
"Меҳр дафтари"га киритилган 45 нафар ёшларнинг муаммолари ҳал этилди

Фурқат туманида ташкил этилган оилавий болалар уйи тарбияланувчилари, васийлик ва ҳомийликка олинган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг муаммо ва қизиқишлари ўрганилиб, ҳал этиб келинмоқда.

Масъуллар иштирокида ёшларнинг ҳолидан хабар олиш, қизиқишлари билан ўртоқлашиш мақсадида ҳомийлик ва васийликка олинган вояга етмаган ёшнинг уйида бўлиб, самимий суҳбат қурилди. Шу куни "Меҳр дафтари" жамғармасидан васийликка олинган ёшнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда тикув машинаси берилди.

Шу кунга қадар "Меҳр дафтари"га киритилган 45 нафар болаларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда 12 та тикув машинаси, 15 та ноутбук, 2 та компьютер жамланмаси ва керакли ускуналар, 1 та скутер, 2 та соябонли ўриндиқлар, 1 та кондиционер, спорт ва ошхона анжомлари, чолғу асбоблари, юмшоқ ўйинчоқлар тўплами, кийим-кечаклар, коммунал тўловини тўлаш, даволаниш харажатлари учун моддий ёрдам пуллари берилди.

2023-07-06 16:42:47